Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга хизмат кўрсатиш,ишлар бажариш бўйича
№ 163541233 сонли ШАРТНОМА

2022 йил «6» январ

Қўқон шаҳри

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи ООО "UNITEL"(кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Усманов Ш.Ш. биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Багдод тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Ж. Нурғозиев ўрталарида куйидаги максадларда тузилди:

## 1.Шартнома предмети

1.1.«Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида куйидаги турдаги ишлар(хизматлар)ни бажариб беради:

| Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нарҳи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Интернет. хизмати | Mb | 7900 | 126,3 | 997770 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| Жами: | | | | 997770 |

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 997770 сўм, тўққиз юз тўқсон етти минг етти юз етмиш (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил килади.

1.3.Бажариладиган ишлар(хизматлар)ни хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Ишлар (хизматлар)ни бажариш муддати йил давомида

## 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1 Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун хисоб-китоб лойиха-смета хужжатлари хамда ишни бажаришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиқиб белгиланган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси,счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланишуви учун бажарилиши лозим бўлган ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни сметаси,калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 100 % микдорида туловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 100 % миқдоридаги олдиндан тўлов, тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

## 3. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1 «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида кўзда тутилган ҳажмларда ва муддатида сифатли,техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради,бажарилган иш (хизматлар) учун сифатини тасдикловчи хужжат тақдим этади ва тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми«Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи» томонидан тўлов ам алга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар(хизматлар)ни нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган ишлар (хизматлар) учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 4. Жарималар қўланилиши

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган ишлар(хизматлар)нинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар)ни умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган ишлар (хизматлар) учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан "Буюртмачи" томонидан 0.02 % микдорида "Иш бажарувчи" га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 5.<Форс-мажор>

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енғин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 6. Шартнома муддати

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабр гача .Маълум сабабларга кўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари оркали хал килинади.

7.2«Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ***бюджет маблаглари*** ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг ***газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан*** сўнг кучга киради.

7.5 Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ***бюджетдан ташкари*** маблағлари ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг ***газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан*** сўнг кучга киради

7.6 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб, ***тегишли ғазначилик бўлинмаларида*** рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**«Таъминотчи»**

Етказиб берувчи: **UNITEL LIMITED LIABILITY CO.**
Манзил: Тошкент Бухоро 1
Телефон: (+99890)373-0330
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ
рақами: 20208000900971325115
Банк: АКБ Капитал банк Тошкент
МФО:00974
Етказиб берувчининг идентификация
рақами (СТИР):201838002
ХХТУТ бўйича код: 52300

Раҳбар ______________
(Ф.И.Ш) (имзо)
Бош хисобчи: ______________
(лавозим) (Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

**«Истеъмолчи»**

Табиёт бирлашмаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Бағдод шахарга бирдамлик кўча №24
Тел./факс 73-479-24-66
ш/х* 401422860302097073101054001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201158873
ОКОНХ 91511
Молия вазилиги газначилиги ягона хисобвароги
Бағдод Тумани Ғазначилиги

Банкнинг номи Марказий Банк
МФО 00014
Молия вазирлиги газначилиги
СТИР 201122919
Раҳбар Тиличерзозиев
(Ф.И.Ш) (имзо)
Бош хисобчи: Р. Хўжаев
(лавозим) (Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

### Хукукий хулоса

Мен ушбу шартномани хукукий экспертизадан утказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуни ва Фукаролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юкорида зикр этилган конунчилик талабларига мос келади.

Хукукшунос: ______________________
Ф.И.О

Лицензия №__________ 20___ йил ______________да
______________________________томонидан берилган.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: I01131287647

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi** – 163541233-sonli shartnoma

**2.Loyihaning nomi** – "Unitel" MCHJ bilan internet xizmatini ko'rsatish to'grisida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 7 yanvar kuni taqdim etilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti: E.Botirov